

«Тасдиқлайман»

Қ.Маматалиев

02 Ноябрь 2022 йил



Компьютер ва техника махсулотларини етказиб  
берувчи ташкилотни танлаш бўйича  
**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Буюртмачи: Янги Намангандумани халқ таълими бўлими

Наманганд-2022

## **1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ**

### **1.1. Товарнинг характеристикаси**

№	Махсулот номи	Миқдори	Суммаси
1	Компьютер Intel Core i5-10400 / Windows 11, Monitor 27"	2	13 218 750
2	Компьютер Intel Core i3 10100 / Windows 11, Monitor 24", (наушник ва вебкамера билан)	18	101 250 000
3	Интерактивная сенсорная панель SK775	1	26 718 750
4	MacBook Pro 14 M1 (16GB/512SSD) Экран: Дисплей Liquid Retina XDR с диагональю 14,2 дюйма; штатное разрешение 3024×1964 пикселя (254 пикселя на дюйм)	1	28 125 000
5	Ноутбук i5-10210U 8GB 512Gb Windows10 15,6"	4	31 500 000
6	МФУ Принтер А3 цветной	1	11 953 125
7	Интерактивная сенсорная панель Intouch 55" с подставка	15	236 250 000
8	Принтер лазерный	2	7 875 000
9	Принтер 3 в 1	1	3 375 000
		45	460 265 625

**1.2. Танлов қиймати 460 265 625 (тўрт юз олтмиш миллион икки юз олтмиш беш минг олти юз йигирма беш ) сўм.** Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қаъбул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

### **2.Танлов ташкилотчилари**

**2.1.** Янги Наманган туман халқ таълими бўлими (бундан кейин- “буюртмачи” деб аталади)- танлов ташкилотчиси хисобланади.

**2.2.** Танлов буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

### **3.Танлов иштирокчилариiga қўйиладиган талаблар**

**3.1** Танловда мулкчилик шаклидан қаттий назар шу мазмунда иш ва хизматларни кўрсатишга ихтисослашган камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

**3.2.** Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

**3.2.1.** Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолотномаси хамда ишларни(хизматларни) бажариш учун зарур бўлган мутахассисларнинг мавжудлиги;

**3.2.2.** Танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

**3.2.3.** Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги мальумотлар;

**3.2.4.** Низом маблағи миқдори.

**3.3** Агар танлов предмети бўлган ишларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

#### **4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш**

**4.1.** Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига жойлаштириши мумкин.

**4.2.** Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, буюртмачи томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган ишларни кўрсатилиши керак;
- Иштирокчи фақат битта таклиф беришга хақли.

#### **5. Томонларнинг жавобгарлиги**

**5.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бўзган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**5.2.** Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлигига ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6.Бошқа шартлар**

**6.1.** Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қаъбул килишга хақли.

Товарни ўзгартиришига йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

**6.2.** Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифла бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровгв белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.